Аёнки, бутун Farbda одамизоднинг «танҳолашиш»га интилишидек фожиа дунё аҳдини ташвишига солаляти. Тор доирада факат ўз манфаатини ўйлаб яшаш ўйлини тутгандардан башарийнга жамият ҳеч қандай наф кўрмаслиги бир ён-у, худбинлик дарду дунёсини этглаб олганлар эса наинки атрофидагилар, керак бўлса юрт манфатларини ҳам сунистеъмол қила бошлайдилар. Психология фанни донрасида инсонга хос уч ўздан ортиқ хислатлар ўрганилади. Улар орасида шарқона қарашларимизга мос бўлган камтариликка алоҳида ургу берилар экан, болаларимизда инсонийликнинг бундай юксак хислатларини шакллантириш, иллатлардан уларни асрар учин ўзимизни масъул сезишимиз керак. Бунда адабиёт, шеърият, хусусан, Муҳаммад Юсуф ижодий меросининг ҳам алоҳида ўрн бор.

Нигора ШОМОУРОДОВА,
психология фанлари номодзи,
Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист

— Муҳаммад Юсуф шеърларидаги бегуборлик, жумлалардаги соддалик кишини беихтиёр ўзига жалб этиди, — дейди Маянавият ва маърифат маркази мутахассиси Наргиза Дўсимбетова. — Кундалик ҳаётимизда кўп бор ду келадиганимиз одий да содда сўзларнинг мунҷоқча терилганлек баён этилиши ўқувчини шоирнинг ижод оламига етаклайди.

Тадбирда «Ниҳол» мукофоти совиндорлари Илес Арабов, Дилноза Акбарова ҳамда Глэр номидаги мусиқа академик лицейи ўқувчилари куй кўшиклиари билан барчага кўтарилик кайфият улашиди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

AXLOQ VA HUQUQ

Bir soatlik dars

Zamonaviy texnika-texnologiyaning rivojlanishi, axborot oqimining jadallashuvni ta'lum-tarbiya ishlarni ham zamonga mos holda takomillashtirishni taqozo etmoqda. Ayniqsa, ta'lum muassasalarida multimedia vositalardan oqilona foydalanish, dars soatlarini interaktiv o'yinlar asosida tashkil etish saboqlar samaradorligini oshiradi. Quyida berilayotgan 8-sinflar uchun "Davlat va huquq asoslari" fanidan bir soatlik dars ishlansmasi xuddi shu maqsadga xizmat qilishiga ishonamiz.

Darsning maqsadi:

ta'limi maqsad — o'quvchilarni axloq va huquq tushunchalari bilan tanishtirish;

tarbiyaviy maqsad — bolalarni atrofdagilarning huquqlarini urmat qilishga o'rgatish;

rivojantiruvchi maqsad — o'quvchilarning kundalik hayotda yuz beradigan voqeа-hodisalarni tahlil etish va xulosha chiqarish ko'nikmasini rivojlantirish.

Dars metodlari: "Sayohat", "To'g'-risini top", "Mozaiqa".

Dars materiallari va jihozlari:

— "Davlat va huquq asoslari" fani darsligi;

— me'yoriy materiallari;

— O'zbekiston Respublikasi Konsitutsiysi.

Qo'shimcha manbalar:

— atama va tushunchalar, savol va topshiriqlar yozilgan tarqatma materiallari;

— mavzuga oid rasmlar.

Darsning texnik jihozlari:

multimedia vositalari.

Darsning asosiy atama va tushunchalari:

- huquq;

- axloq;

- obyektiv huquq;

- subyektiv huquq.

Darsning borishi:**1. Tashkiliy ishlar.**

O'qituvchi o'quvchilar bilan salom-lashib, davomatni aniqlaydi (3 daqiqa).

2. O'tilgan mavzuni takrorlash.

Bunda "Sayohat" metodidan foydalaniadi (7 daqiqa). O'quvchilar oldingi darsda o'tilgan huquqshunoslikka oid atamalarni yodga oladilar. 6 o'quvchi doskaga chiqariladi. Birinchи o'quvchi huquqshunoslikka o'dir atama aytadi, ikkinchi o'quvchi esa unga o'zi ham bitta atama qo'shadi. "Sayohat" shu tarzda davom etib, oltinchi o'quvchi 6 ta atama aytadi. Kim adashib ketsta yoki noto'g'ri aytса, "Sayohat poezdi" dan tushib qoladi. Adashmay, "Rag'bat" manziliga gachada yetib borgan o'quvchiga baho qo'iladi.

Past o'zlashtiruvchi o'quvchilarga "To'g'-risini top" metodidan foydalanlangan holda topshiriq beriladi. Ular raqamlarda berilgan tushunchalarning harflar vositasida belgilangan ta'rifini to'g'ri topishlar va joylashtirishi kerak. (Jadvalga qarang).

3. Yangi mavzuni yoritib berish

(13 daqiqa).

Mavzu: Axloq va huquq yug'unligi.

O'qituvchi, avvalo, huquq va axloq tushunchalarning ilmiy ta'rifi batafsil sharhlaydi. Projektor yordamida doskada ushbu tushunchalarning ta'rifi paydo bo'ladi:

Jadval

1	O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi	A	Davlat va ijro etuvchi hokimiyat boshlig'i idir.
2	Qonunchilik palatasi	B	Mustaqil O'zbekiston suverenitetining asosiy huquqiy hujjati, asosiy Qonuni.
3	Senat	C	Oliy majlis: Senat va Qonunchilik palatasidan iborat.
4	O'zbekiston Respublikasi Prezidenti	D	Oliy Majlisning yuqori palatasi
5	Sud hokimiyati	E	Oliy Majlisning quy palatasi
6	Vazirlar Mahkamasi	F	Konstitutsiyaviy sud, Oliy sud, Oliy xo'jalik sudi
7	Qonun chiqaruvchi hokimiyat	G	O'zbekiston Respublikasida ijro etuvchi hokimiyatni amalga oshiradi.

ular chambarchas bog'liq**Huquq –****Axloq –**

davlat tomonidan o'rnatilgan va tomonidan himoya qilinadigan barcha uchun majburiy bo'lgan xulq-atvor qoidalaringiz tizimi

kishining jamiyatidagi xulq-atvorini tartibga soluvchi talab va qoidalari yig'indisi

bilan murojaat qiladi:

1. Maktabda qanday qoidalarga rioya etishingiz shart? Bu qoidalarga barcha uchun majburiy? Nima uchun? O'langizda qanday qoidalalar mavjud? Ular nima uchun zarur?

2. Do'stlaringiz bilan munosabatda qanday qoidalarga rioya etasiz? Sizningcha, bu qoidalalar qachon yujudga keladi?

3. Sanab o'tilgan qoidalarning bajarilishini nazorat qilish kimning zimmasida deb o'yalsiz?

4. Qoidalalar bilan "huquq" so'zi o'rtaida qanday bog'liqlik bor?

Huquq (obyektiv) funksiyalari**Tartibga solish**

Jamiyatidagi ijtimoiy munosabatlarni va alohida shaxs xulq-atvorini kerakli yo'nalishga solish

Qo'riqlash

Huquqiy muhofaza va yuridik mas'uliyat choralarini, ularni qo'llash tartibini o'rnatish

Tarbiyalash

Turmushda nimalar qilish mumkin, nimalar taqilangan. Har xil vaziyatlarda qanday harakat qilish lozimligini belgilashdan iborat. Zarur bo'lganda majburlash uslubini, hatto jazolashni ham nazarda tutadi

4. Mustahkamlash.

O'tilgan mavzuni mustahkamlash uchun "Mozaiqa" o'yini o'tkaziladi (10 daqiqa). Buning uchun sind 6 guruhi bo'linadi. O'quvchilarga huquq va axloqqa oid misollar yozilgan mozaikalar tarqatiladi. Belgilangan vaqt mobaynida ularni birinchi bo'lib yiqqan guruh g'olib bo'ladi.

5. Dars yakuni.

O'quvchilar bilimi savol-javoblar asosida baholanadi (10 daqiqa). O'qituvchi ularga quyidagi savollari

6. Uyga vazifa.

Mavzu bo'yicha quyidagi savol va topshiriqlar beriladi (2 daqiqa):

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasingin 64-moddasini yodlash.

2. Darslikdagi huquqiy vaziyat va mavzu so'ngidagi savollarga javob yozish.

3. Navbatdagi mavzu bilan tanishish.

Mahliyo IMOMIDDINOVA, Hamza tumanidagi 206-maktab o'qituvchisi

Уичи туманинадаги 12-мактабгача таълим муассасасида болажон-ларнинг иқтидорини аниқлаш, иходий кобилятигини шакллантиришада тури тўғарак машгуллотларидан унумли фойдаланимокда. Хар бир тарбияланувчи ўз кизиқиши, имконияти ва истеъдодига кўра шуғулланмоқда. Тарбиячи-педагогингин маҳорати, кичкитоилар қалбини тушуниши, бир сўз билан айтганда, тиллаша олиши ҳам мухим ўрин тутади.

Катта ёшли гурух тарбияланувчиси Иродда Исокова иккى йил аввал тарбия-

ИСТЕЪДОД УЧҚУНИ

унинг порлаши тарбиячи маҳоратига боғлиқ

чи опаси Дилбар Рашидова назарига тушди. Қизалоқда расм чизишга майилик борлигини сезган (албатта, кўллаб қуатлишлардан сўнг) ва ота-онаси билан бу тўғрида сухбатлашган бочга она уни "Тасвирий фаолиги" тўғарагига жалб этди. Илк бор чақнаган истеъдод учкуни секин-аста кучайиб, Ирода тўғаракдаги машгуллотлардан олган тушучаси ва кўнижмалар асосида кичик мусаввирга айланди. Ўтган или MTM тарбияланувчилири ўртасида ўтказилган "Ватан - менинг нигохидам"

хамда "Жажжи юлдузлар" кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади. Ирода каби кичкинтоилар тўғаракларда ракс, тикиш-тўкиш, безакли ва декоратив буюмлар ясаш сирларини, инглиз ва рус тилларини ўрганишмоқда. Мактабгача таълим асосларини пухта ўзлаштирган ва иқтидори очилган болажонлар кейинчалик 18-умумtalimiy maktabining аълочи ўкувчилирига айланшишмоқда.

— "Бола шахсига йулнитирилган таълим" дастuriда ҳар бир тарбияланувчининг

имконияти ва иқтидорини эътиборга олиш кўзда тутилган, — дейди муассаса мудираси Мукаррам Жалилов. — Педагогларимиз ушбу таймойил асосида таълимтарбия ишларини ташкил этишимоқда. Болажонлар машгуллотларда эгаллаган билим ва кўнижмасини тўғаракларда янада мустаҳкамлаш эвазига ўзлаштириши ортмоқда.

Муассасада яна бир яхши анъана бор: ҳар ойнинг учунни сешанбасида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиди. Ота-оналар фарзанд-

лари қатнашашётган тўғараклар фаолиятини кузатиб, таклиф-мулоҳазаларини билдиришади. Тарбиячи-педагоглар билан мулокотда бўлиб, ўғил-қизлари эришашётган илк ютуклардан кувончига тўлган холда уйга кайтадилар.

— Кизим Нозима 5 ёшда. Хозирдан ип-игнага кўли келиб қолганини кўриб хурсанд бўлдим, — дейди Маргуба Жўраева. — Тарбиячиси Муқаддам Келдиеванинг айтишича, безакли бўюмлар ясашни ҳам ўрганиб олибди. Бугун кўз одимизда материаллардан шундай нарса ясадики, ҳаммамиз хайратга тушдик.

Ғанишер АКБАРОВ, "Ma'rifat" мухабiri

2014-yil 5-mart, № 19 (8668)

МУСИҚА ЭШИТИШНИНГ ҲАМ МЕЪЁРЛАРИ БОР

Бирлашган Қироллиқдаги кар ва заиф эшиитувчиларнинг «Action on Hearing Loss» жамияти тадқиқотчилари метро ва бошқа жамоат транспортни ҳамда кўча-кўйда писёда сайр қилиб юргонда мусиқа тинглашни хуш кўрувчи минг нафар соглом киши ўтасида сўровнома ўтказди.

Олимлар тажрибага асосан 30 ёшдан катталарни жалб этиши. Мәълум бўлишича, 30 фойз катнашни ўзи билмаган ҳолда мусиқани жуда баланд овозда тинглар экан. Сўровнома қатнашчиларининг қарий ярми кун давомида б соатдан мусиқа тинглашни таъкидлаган. Улар ҳатто ишлайтганда ҳам мусиқа садолари қулоклари остида жараглаб турган.

Тадқиқотчиларнинг огохлантиришича, айни пайдат мамлакат аҳолисининг 10 фойиздан зиёди тиннитус (кулоклардаги доимий шовқин)дан азият чекишимояд.

Аксарият ҳолларда мазкур ҳасталик мусикани жуда баланд эшиитиши натижасида келип чиқади.

— Тиннитус кулоклардаги доимий шовқин билан боғлик ёқимсиз ҳолат бўлиши баробарида, унинг пайдо бўлиши ҳадик, доимий хавотир, ноҷорлик, депрессия ривожланиши, ҳёт дарражасининг ёмонлашувига ҳам олиб келиши мумкин, — дейдид тадқиқот раҳбарро профессор Пол Брекел. — Бу ҳасталики даволаш жуда мурakkab бўлиб, бунинг учун кўп кўн вакт талаб этилади.

Мутахассислар мусиқа тинглашда 60–60 қоидасига риоя этишини маслаҳат беришмоқда. Яъни, овоз баландлигини 60 фойиздан оширишаслик ва 60 дақикадан кўп мусиқа тингламаслик мақсадга мувоғик.



ЯНГИ ШОЛИ НАВИ ШАРОИТ ТАНЛАМАЙДИ

Шолининг генетик модификацияланган янги нави бир вақтнинг ўзида курғоқчилик, шўрланиши ва минерал ўғитлар етишимовчилиги чидамлилиги билан ажраби турдади. Бу эса мурakkab иқлим, нокулай об-ҳаво шароитида ҳам шолидан мўл ҳосил олиш имконини беради.

АҚШдаги «Arcadia Biosciences» компанияси шолининг шўр тупроқка ўсувчи тало ўсимлиги (Arabidopsis thaliana), курғоқчиликка бардошлилигини таъминлаш учун эса кенг тарқалган «Agrobacterium tumefaciens» бактериалигари генини жойлаштиришида.

Компания маълумотномасида келтирилишича, мутахассислар янги гурӯч нави ўтида иккита муваффакиятли тажрибани ниҳоясига етказишиди. Натижада курғоқчилик шароитида модификацияланган гурӯч навидан 12–17 фойз кўпроқ ҳосил олниди. Минерал ўғит танқислиги шароитида эса ҳосилдорлик 13–18 фойзга, шўрланинг майдонда 42 фойз юқоририк натижага эришилди. Шунингдек, ҳам сувсиз, ҳам минералсиз шароитда гурӯч ҳосилда 15 фойз маҳсулдорлик қайд этилди.

Шоличиликни ўрганиш ҳалқаро институти маълумотларига кўра, жанубий жунубий-шарқий Осиё мамлакатларидан 23 миллион гектар шоли майдонлари курғоқчилик сабаби 13 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Жумладан, Ҳиндистоннинг бир қатор штатларида курғоқчилик шоли ҳосилдорлигини 40 фойзага камайтирган. Шунингдек, шўрланиши ҳам каттагина талофатларга сабаб бўлмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-оқват ва қишлоғ ҳўялиги ташкилоти тақдим этган маълумотларда таҳминан 800 миллион гектар майдонда шўрланиш даражаси юқорилиги келтирилган. Бу эса йилига 1 миллиард доллар миқдорида зарарга сабаб бўлмоқда.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

ҚАЙТА НАШР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 5-MRT - 2014/5

Тендер номи: Дарслик ва ўқув кўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

Бўйтмачи: Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар 100159, Мустақиллик майдони, 5-йй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадидан китоб жамғараси маблабларни хисобидан амалга оширилди.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув кўлланмаларни нашр этиши учун нашриётлар тақлиф этилади.

Тендер савдоларидаги янги ташкил этиши (бўлиши, кўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик боскичида бўлмаган, давлат

реестрида рўйхатга олинганига олти ой мuddатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармaganligi учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларни нашр этиши билан шуғулиниш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузиғлан шартномалар бўйича мажбуриятларни тўла бажара олган нашриётлар катнашиш ҳуқуқига эга.

Катнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳўяжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳўяжатлар тендер ҳўяжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Қайта нашр этишида дарсликлар ва ўқув кўлланмаларни ҳамда уларнинг адади кўидига жадвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув кўлланма номи	Тили	Ёзуви	Адади	Бир дона маҳсулотнинг максимал нархи (сўмда)
9-синф					

51	Геометрия	ўзбек	лотин	426540	1 875,12
		рус	кирилл	42943	2 336,45
		қорақалпок	лотин	10075	3 753,13
		қозоқ	кирилл	5592	4 789,46
		тоҳик	кирилл	7830	4 246,38
		қирғиз	кирилл	843	23 298,72
		туркман	лотин	1021	19 573,69
58	Иқтисодий билим асослари	ўзбек	лотин	426540	1 767,15
		рус	кирилл	42943	2 374,77
		қорақалпок	лотин	10075	3 377,82
		қозоқ	кирилл	5592	4 310,52
		тоҳик	кирилл	7830	3 874,94
		қирғиз	кирилл	843	20 969,28
		туркман	лотин	1021	17 616,32

Мазкур дарслик ва ўқув кўлланмаларни бошланғич қўймати тўғрисидаги маълумотлар таълабкорларга Тендер ҳўяжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер савдоларидаги катнашчи истагини билдирган ва Тендер ҳўяжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2014 йил 5 марта бошлаб ҳар куни (шанба ва якшана кунларидан ташкири) Тошкент вақти билан соат 10:00дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишил кўшишча мъалумотларни Тендер комиссиясининг иши органи Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги «Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларининг янги аводдини яратиш» бўлиидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-йй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-810)ишлар мумкин.

Тендер ҳўяжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳўяжатлар тақлифнинг

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кўйидаги кафедралар бўйича, кафедра мудири лавозимига, профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ

I. Даствоҳли рангтасвири кафедраси

1) доцент

II. Чизматасвири кафедраси

1) ўқитувчи

III. Ҳайкалтарошлиқ кафедраси

1) ўқитувчи

IV. Либос дизайни кафедраси

1) профессор

V. Китоблар ташкилоти кафедраси

1) ўқитувчи (инглиз тили)

VI. Китоб графикаси ва минитаториа кафедраси

1) катта ўқитувчи

VII. Педагогика ва касбий таълим кафедраси

1) катта ўқитувчи

1) ўқитувчи

Танловда иштирок этиши учун дъяворлар кўйидаги ҳўяжатларни тақдим қилишлари лозим:

— институт ректори номига ариза;

— ходимлар шахсий варажаси;

— олий маълумоти, иммий дарражаси, иммий уйонни ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари; меҳнат дафтарчаси нусхаси;

— иммий ва ўқув методик ишлари, хосботлар, изходий ишлари рўйхати, изходий ишлар фото-альбоми, каталоглар.

Ҳўяжатлар эълон чиккан кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги мазкур институтнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани,

Мироншо кўчаси, 123-йй

Тел.: 255-18-33. Факс: 255-18-92

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Давлат тест маркази бўш ўринларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ

Чет тилларни билиш даражасининг педагогик ўлчовларини ривожлантириш бўлимига **немис ва француз тиллари бўйича мутахассисларга**.

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш да давлат намунасида малика сертификати бериси учун кўлланиладиган тест топширикларини тузиша шартнома асосида **инглиз, немис, француз тиллари бўйича мутахассисларни тақлиф этиди**.

Номзодлардан олий филологик маълумотга ва камидаги 3 йил педагогик стажга эга бўлишлари, тегиши чёт тилини юқори даражада ва тестология асосларини билишлари таълаб этилади.

Ариза ва ёзи ҳақида шахсий маълумотлар билан Тошкент ш., Богошибом кўчаси, 12-йй манзилига мурожаат қилиш мумкин.

Телефонлар: 235-74-85, 235-19-14.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мавзумияти ва Караба уюшма қўйитаси Кимё факультети «Полимерлар кимёси» кафедраси қошибади Кукусимон полимерлар лабораторияси мудири, кимё фанлари номидаги

Муслимжон БАХРОМОВнинг вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳри педагог кадрлари катта тайёрлаш ва малакасини ошириши институти тарбияти ва жамоаси «Математика, информатика ва физика» кафедраси ўқитувчиси Ҳамидда Исоимоловага синглиси

Махсума АВАЗОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изхор қиласи.

КҮПЛИКНИНГ БАХТИГА ЎЗЛИКНИ ЖАМЛАБ

Ҳар бир инсоннинг яшашдан ўз мақсади бор. Айни мана шу мақсад уни эзгулик сари йўллаб, яхшилик қилишга, янгилик яратишга ундаиди. Назаримизда, ўз олдига кўйган мақсадларига эришиб бораётган замондошларимиздан бири — филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиевдир.

Кенг далада ўсб-улғайган Боқижон Тўхлиев ёшлигидан ўз она тилига меҳр кўйган, адабиёт деб атальмиш чексиз бир уммон сари қадам ташлаган. Натижада педагогика институтини аъло баҳоларга тутатиб, ўз она қишлоғида ўзбек тили

Ta'lim fidoyilari

ва ада-
биёти-
дап и-
са бояк

берган. Адабиёт оламига чанқоқлик Боқижон Тўхлиевни Тошкент сари чорлайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олади. 1983 йили “Кутадгу билиг” поэтикаси мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Бу орада қатор илмий мақолалар ёзди, адабиёт тарихи билан жиддий шугууланди, айнича, туркий халқлар адабиётининг шаклланishi даврини жиддий ўрганишга киришади.

Боқижон Тўхлиев 1992 йили “Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Олимнинг бу тадқиқоти фақат Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиё республикалири, Туркия ва Эронда ҳам тан олина бошлайди. Унинг қаламига тегишили асарлар ранг-баранг бўлиб, сони 400 дан ошиб кетади. Бизнингча, уларни куйидагича таснифлаш мумкин. Аввало, соф илмий тадқиқотлар: монография, диссертация, илмий мақола ва тақризлар (хорижидаги нуфузли илмий журналларда чоп этилганлари талайтина). Иккincinnидан, педагогика билан боғлиқ фаолият натижалари. Боқижон Тўхлиев 1989 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида доцент, профессор, кафедра муддири ва деқан лавозимларида ишлаб келмоқда. У ўрта мактаб ҳамда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун 6 дарслер, 8 ўқув кўлланмаси муаллифи. Жумладан, мактабларнинг 9, 10-синфлар учун “Адабиёт”, академик лицейлар ва коллежлар учун “Ўзбек адабиёт”, “Педагогика тарихи” дарслерларини яратди. Олий таълим миассасалари учун “Адабиёт ўқитиши тарихи”, “Ўзбек тили ўқитиши методикаси”, “Педагогика тарихи”, “Дарслер устида ишлаш”, “Мутахассислик фанларини ўқитиши” сингари дарслер ва қўлланмалари ҳам нашир қилинган.

Филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиев ўз фаолиятида илмий-педагогик ходимлар тайёрлашга жиддий ўтибор қаратди. Унинг раҳбарлигидаги ҳозирга қадар иккни фан доктори, ўнга янги фан номзодлари тайёрланди. Педаг олимнинг шогирдлари ҳозирда республикамизнинг тури гўшаларига она тилимиз ва адабиётимизнинг сир-синоатини ёш авлод онгига сингдириб келишишмоқда. Айна пайтда Боқижон Тўхлиев Республика таълим марказининг ўзбек адабиёти кенгаши раиси сифатида ҳам халқ таълими тизимишдаги илмий-методик ишлар ривожига мунособ ҳисса кўшишмоқда.

Биз Боқижон Тўхлиев ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтдик, холос. У ўз илмий салоҳияти, педагогик маҳорати ва нотиқлик санъати билан ҳали кўп ишлар қилишига қодир. Ягона истагимиз — “кўпликнинг баҳтига ўзлини жамлаб, шу улув бинога бир гишиш кўйиш” орзуидаги олимимиз ўз ниятига етсинг, эзгу мақсадларига эришсин!

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор
Равшан ЖОМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Яқинда Ҳазрати Йомон зиёратгоҳига бордик. Ҳоналарга бир-бир кирап эканмиз, инсон қўл меҳнати билан яратилган ажойиб мўъжизаларинг гувоҳи бўлдик. Атлас кўйлагу ироқи дўлупи кийганинг қўйирчоқлар, тарих силсилаларини намоён этган миниатюра санъати намуналари, каштачаликни ўзида акс эттирган, шоий матолардан тикилган миллӣ либослар кўзни қувонтиради. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги билан шуғуланаётган ҳунармандларинг маҳорати ўтиборимизни тортди...

Лавҳ. Сандик. Лаган... Кўлга олиб ҳайрат билан томоша қиласиз. Бир қараганде меҳнати осондек туюлади. Лекин ёғоч ўймакорлигининг бу гўзали намуналари соҳибининг ҳаракат ва тафаккур или изланиб, ижод қўлганини кўрсатиб турарди. Ёғоч ўймакор-

Курси, лавҳ, лаганларга ўйиб чизилган нақшлар бешихтиёр инсонни ўзига ром этади. Айниқса, лавҳининг бир неча хил кўринишда очилишини кўриб, тўғриси, ҳайратландик.

Ёғоч ўймакорлиги фақат кўл меҳнатини талаб этади. Шун-

ОТА КАСБИ — ОЛТИН КАСБ

лиги ҳунари Акмалхон Азларовга ота-боболаридан мерос. Йўқи ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказган Азларовлар хонаони ҳунармандлар оиласи. Бунгача кўплаб шогирдларига ёғоч ўймакорлиги сир-аскорларини ўргатаётган Акмалхон уста ўн икки ёшидан бўён ушбу ҳунар билан шугууланиб келади.

Биз асосан ёнғоқ дарахтидан фойдаланамиз. Ушбу дарахтни олиб, 10-15 йил куритишга кўяшимиз. Куритилган таҳта яна 1 ой қайнатилади. Шунда тўқ, ва ялтироқ рангга киради. Нусха аввал қоғозга чизилади, кейин ҳока(қора куя) билан таҳтага тушрилади, сўнгра эса пардоз берилади, — дейди Акмалхон ака.

дай вакълар бўладики, туни билан ишлаб чиқамиз. Ишимиш якунланиб тайёр ҳолга келганда эса ҳамма чарчоқларимиз эсилиздан чиқади. Масалан, лаганларни ясаша бир ой, курсига ўшаш ашёларга бир-иккни ҳафта вақт кетади, — дез сўзини давом эттиради Акмалхон Азларов.

— Ҳалол меҳнат, пешона теримиз билан болаларни вояга етказдик, ўйли-жойли қўйдик.

— Мен ҳам турмуш курганимиздан бўён шу ҳунар билан шугууланиб келаман. Бизнинг ўтилизда пул эмас, ёғочлар турарди, — дейди кулиб турмуш ўртоғи Мұхаббат опа.

Акмалхон уста яратган 24 хил кўринишда очиладиган лавҳ

устаҳонасида Саидзазам Рашидов, Жавлон Умаров, Абдулазиз Фаттоҳовни иш устида кузатдик.

Қаранг-а, оддий ёғоч. Кўлимига тушса, бир четта ўтиборсиз улоқтириб ташлаймиз. Бироқ шу ашё эгасига етиб борса, ёғоч ўймакорлигининг жозибаси ақимизни шоширади. Бунинг учун устага кўп нарса эмас: истеъод, қалам ва асоб-ускунлар ҳамда кунг қерак, холос.

Ҳалол меҳнати билан Акмалхон уста инсон руҳиятига гўзалик улашувчи асарлар яратиб келмоқда. Энг қувончлиси, бу эзгу амали шогирдлари, авлодлари томонидан давом эттиради.

Ирода ТУРДИЕВА

АЁЛ МАТОНАТИ, ОНА МЕХРИ “Кўргим келади” фильмида

Томошабин кинода ўз ҳаётига яқин лавҳаларни, ҳаёт ташвишлари ва қувончларини кўриши холайди. Шундагина у ҳақиқий фильм бўлбіл юракларга муҳрланади. Таникли ёзувчи ва кинодраматург Мурод Мұхаммад Дўст сценарийси асосида суратта олинган “Кўргим келади” бадий фильмими ни ана шундай қинолар сирасига киритиш мумкин. Ёзувчи шоу-бизнеснинг парда ортидаги ҳаётига багишиланган асарда қаҳрамонлар ўтсиздаги муҳаббатни сўзисиз ифодалашга ҳаракат қўлган ва инсондаги юксак туйгуларни исроф этмаслик кераклигини ифодалаб бера олган. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буортмаси асосида суратта олинган фильмда аёлнинг матонати, оналик меҳри, фарзандлик бурии бўрттирумлариз, ҳалқа яқин тарзда тасвирланган.

Ёш кинорежиссер Жавоҳир Қосимовнинг debut бўйлан ушбу фильмнинг мубаффакиятини пухта сценарий таъминлаганини кўриш мумкин.

Иқтидорли актриса Дилноза Кубаева фильмда

хонанда Зиёда Алиева ролини маҳорат билан ижро этган. Зиёда истеъодли санъаткор сифатида таънилган. Унинг кўшиклари ҳаљ орасида машҳур. Сиртдан баҳти кўринган аёлнинг оиласида, шахсий ҳаётида муаммолар етарли. Енгил ҳаётни орзу килиб, хорижга кетган эридан дарак йўқ. Бунинг устаги, ёнғиз фарзанди, қизалози оғриб хасталикка чалинган. Машақатларни ёнғиб ўтиши, ҳар қандай кийинчиликларга бардош бера олиш инсонни сифатида тарбиялаши мумкинлиги кинонинг мазмунига сингдирилган.

Яхши фильм рекламага муҳтож эмас. Кинони томошабин саралайди. Ўзига яқин қаҳрамонлар кечинмаларини асардан қидиради. Кино томошабинг маънавий озуқа берга олсанга, ҳақиқий санъат асарига айланади. “Кўргим келади” фильмни ҳам севимили киноларимиз қаторидан жой олса, ажаб эмас.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
“Ma'rifat” мухабири

САНЬАТ — КЎНГИЛ ИФОДАСИ



9-синф ўқувчи Аббос ТУЯКОВ
чиған сурʼат.

Мусаввир оламни, жонлижониз мавжудотни ўзгача бир нигоҳ билан кузатади, ҳис қилиади. Теваракдаги ҳеч бир ашё, унсур устага сезигир назаридан четда қолмайди. Баъзан бизга жўн, оддий туулаган ҳодиса ёки манзара унда катта ҳаяжон қўзғаши, бирор янгилик кашф қилишга ундаши ҳеч эмас.

Ранг ва шакл уйғулигиги тасвирий санъатнинг ҳаётийлигини таъминлаганидек. Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тарарнум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёргу келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хостирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалимбор, буюк ёзувчиларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак.

(Давоми 16-бетда.)

СПОРТНИНГ

ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ

бунда таълим муассасаларида ўтказилаётган жисмоний тарбия фани ойлигининг аҳамияти катта

Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамо-лигига спортга, айниқса, болалар спортига катта эъти-бор қаратилиб, фарзандларимизни жисмонан бақувват, кучли ва соғлом қилиш тарбиялаша борасида барча имко-ниятлар яратилмоқда. 2014 йилнинг "Солом бола иши" деб номланishi esa бу имкониятларни яна бир қадар юк-салтириди.

Жорий йил 28 январь куни бўлуб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси хомийлий кенга-ши йигилишида ёшларни, ай-ниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорта янада кенг жалб этиш, жисмоний тарбия дарслари ва спорт тўгараги хамда секциялари фаолиятини сифат жихатдан самарали ташкил этишига алоҳида эъти-бор қаратиди.

Умумтаълим мактабларида март — табиий фанлар ва жис-моний тарбия фани ойлиги этиб белгиланган. Ушбу фан ойлигини мазмунли ўтказишда жисмоний тарбия фани ўқитувчилари турли спорт бай-рамлари, мусобака ва учра-шувлар билан бирга ўқувчи-ларнинг назарий билимлари-ни оширувчи очик дарсларни ҳам ташкил этиши ижобий са-марла беради.

Ойлик давомида спортнинг оммавийлигини ошириш мак-садида кичик ва ююри синф-ларда алоҳида-алоҳида, ўкувчи-лар ўшини ҳисобга олган ҳолда спорт тадбирлари ўтка-зиш максадга мувофиқ. Жум-ладан:

1 — 4-синфлар учун:

- "Кунвон стартлар" эста-фета ўйинлари;
- шахмат-шашка, енгил ат-летика (30 м югуриш), футбол мусобакалари;
- мерганлик ва ҳаракатли ўйинлар (қизлар ўтрасида).

5 — 9-синфлар учун:

- енгил атлетика (30 ва 60 метрга эстафетали югуриш);
- спорт ўйинлари (футбол,

волейбол, баскетбол, кўл тўпи);

— шахмат-шашка, ҳаракатли ўйинлар мусобакалари каби.

Спорт тадбирларини Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва "Ёшлик" ЖТСКнинг жойлардаги филиаллари хамда маҳаллалар ва ота-оналар билан ҳамкорликда ўтказиш алоҳида аҳамият-га эга.

Фан ойлиги давомида фан методистлари томонидан ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида илгор тажрибали ўқитувчилар иштирокида ўқув семинарлар ташкил этилади. Бунда мураккаб мавзуларни тушинтиришда илгор педагогик технология ва интерфаол методлардан самарали фойдаланни ва бошча илгор ис таъжирбалар юзасидан давра сұхбатлари ўтказилиди.

Фан ойлигини ўтказишида ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ижодий ҳамкорлигини йўлга кўйиш, спорт тўгараклари ва секциялар фаолиятини кучайтириш, ўқув жараёни билан уз-вийлигини таъминлаш, ўкувчи-ларни спорт янгиликлари билан танишириш, назарий билимларни бойитиш, спорт турлари бўйича ижодий ишлар қўрик-танловларни ташкил этиш, илгор ис тажриббалари-ни оммалаштиришга алоҳида аҳамият қаратиш зарур.

Ойлик давомида амалга ошириладиган ишлар тўрт ўхфатга бўлинади ва ҳар бир хафта учун аниқ бир йўналиш

асосида тадбирлар режалаштирилади.

Биринчи ҳафтада илгор педагогик технология ва ин-терфаол методлар асосида намунивий дарслар ташкил этилади. Шунингдек, ўкувчар ўртасида энг яши ижодий ишлар кўрик-танлови эълон килинади.

Иккинчи ҳафтада спорт байрами ташкил этилади. Бунда кўргазмали ва оммавий тадбирлар уюштирилиб, спортни кенг тарбија килишга багишланган чиқишилар ташкил этилади. Масалан, спорт мусобакаларида мактаб ҳамоасининг эришган ютуклари, миллий байрамлардаги оммавий ўйинлар на-миш этилади.

Спорт байрамига мактабнинг барча ўкувчи ва ўқитувчиларини жалб этиш керак.

Учинчи ҳафтада ўкувчи-ларнинг кизиқарли спорт мусобакалари ташкил этилади.

Тўртнчи ҳафтада эса спорт турлари бўйича юксак муввафқиятларга эришган Республика ва ҳалқаро спорт мусобакалари гоҳиблари, муррабийлар билан учрашувлар, давра сұхбатлари ташкил этилади. Ойлик натижасига бағишилаб ўқувчи фестивал уюштирилади ва тадбирлар, спорт мусобакаларида фоал қатнашган ўкувчи ва педагоглар рағбатлантирилади.

Таълим муассасаларида ўтказиляётган бундай тадбирлар, ўкувчи-шашларни спорта кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиш, оиласларда спорт билан ҳамнағас бўлишиб мухитини яратиш ва шу орқали юртимизда спортнинг янада оммалашуига эришишга ёрдам бериши шубҳасиди.

Фуркат НАҲИМОВ,
ХТВ Болалар спортини
ривожлантириш
бошқармаси назоратчи
методисти



Тошкент шахри Юнусобод туманидаги 97-мактабда ўкувчи-ларнинг дарсдан бўш вақтни мазмунли ва самарали йўлга кўйиш, уларни спорта кенг жалб этиш ва меҳнатсе-варликка ўргатиш мақсадида фестивал ўтказилди.

Тадбир жисмоний тарбия ўқитувчиси бошчилигига кунвон "спорт сайли" намошиши билан бошланди. Унда ўкувчилар бадий гимнастика, стол тениси, шахмат ва миллий ўйинлар бўйи-

«СПОРТ САЙЛИ» БИЛИМДОНЛАР БАҲСИГА УЛАНДИ



Ча беллашди. Фестивалга келган меҳмонлар мактабнинг «Орас-та қизлар» тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмасини ҳам томоша килдилар. Илм маскани ахборот-ресурс марказида билимга чанкок ўкувчилар «Заковат» интеллектуал ўйин ўтказилди. Унда ўз билимдонлигини наёмот этиган ўкувчилар фан олимпиадаси ва «Билимлар беллашуви»да фоал иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашетга-ни ишботладилар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ИНСОНЛАРГА ЁРДАМ ҚУЛИНИ ЧЎЗИБ

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганига 18 йил тўлди. Шу мунобабат билан вазирлик томонидан давлат ва надавлат ахборот-ресурс марказида ҳамда омма-вий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот биринги ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан ўтган давр мобайнида вазирлик томонидан юртимиз ахолиси ва худудларини табии ҳамда техноген хусусияти фавқулодда вазиятлардан муҳофаза килиш, ахолининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланнишга оид билимларини ошириш, кут-

Tadbir

карув тизимларини замонавий авария-куткарув техникалири ва воситалари билан таъминлаш, моддий-техник базасини тако-миллаштириш борасида қатор ишлар амала оширилганлиги айтиб ўтилди.

Бундан кейин ҳам юртимиз


ахолиси ва худудла-рини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза килишида чеки-тириб бўлмайдиган тадбирларни тезкорлик билан амала ошириш, инсонларга ёрдам кўлини чўзиш соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг шарафли вазифаси бўлиб колишига ало-хида ургу берилди.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,

"Ma'rifat" мухабири

БАДМИНТОН КЕНГ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтаҳимизда бадминтон бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлуб ўтди. Чемпионат ёшларни соғлом турмуш тар-зига кенг жалб этиш, улар ўртасида Олимпиада дастуридан жой олган ушбу спорт турини янада оммалаштириш, иктидорли спортчиларни аниқлаш ва кўллаб-кувватлаш мақсадида ташкил этилди. Чемпионатда 14 ўшдан 25 ўшга-ча бўлган 110 нафар спортчи иштироқ этди.



Чемпионат якунларига кўра, эркаклар ўрта-сидаги яккалик баҳсларида 1-йўнини кўлга киритган Темурбек Каримов жуғуфли баҳс-ларида ҳам Артём Саватюгин билан бирга голи чиқди. Кизлар ўртасида эса Мария Пакина тенг келадиган рақиб топилмади. Жуғуфлик баҳсларда Валерия Муштакова ва Анаит Хуршудян ғалаба қозонди. Шунингдек, арапаш жуғуфлик баҳсида Алишер Холмирзаев ва Мария Пакина жуғуфлиги ўз устуникларини намойиш этиб, ғалаба қозондилар.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизда йигирма минг нафарга яқин йигит-киз бадминтон билан шугулланмоқда. Тошкент шахри вилоятларда ушбу спорт тури билан шугуллашни учун марказлар фаолияти йўлга кўйилди. Айни пайтда ёш спортчиларни терма жамоаларга жалб этиш ва ҳалқаро мусобакаларга тайёрлаш борасида изчил ишлар амала оширилмоқда.

Фуркат АЛИМАРДОНОВ

Муҳтарам Мавжуда ХАЛИЛОВА!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Қатор йил-лар давомида Жиззах вилояти Арнасой туманидаги таълим муассасаларидағи фидокорона меҳнатларнингиз самараси ўлароқ буғун шогирдлариниз турли жабхаларда мувффакияти меҳнат қилаётир. Педагоглик касби машақат-ларини сабот билан енгигб ўтдингиз. Сизга узоқ умр, баҳт-саодат, мустаҳкам соғлик тилаймиз.

Хурмат ва эҳтиром билан фарзандларнинг ва шогирдларнингиз.

САНЬАТ — КҮНГИЛ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 14-бетда.)

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат



6-синф ўкувчisi Юлдуз МУРТАЗОЕВА Чизган сурат.

академик лицейининг тасвирли санъат йўналишида таҳсил олаётган ўкувчилар ўзларининг ижодий ишлари билан ўз истеъдолларини намойиш этиб келишмоқда. Габият ва очун уларнинг сеҳрли мўйқаламлари тасъирида янада жозигалишади, расмларда тинчликни улуғловчи, бахтни қадрловчи, эзгуликни ҳаётий маслагига айлантирувчи инсон киёфаси тажассумланиди.

Жумладан, 7-синф ўкувчisi Мадина Азаматова, 8-синф ўкувчилари Муқаддас Ҳафизова, Наргиза Очилбоева, 9-синф ўкувчилари Яҳё Абдукаримов, Аббос Туяков, Маҳлиё Бердикуло-

ванинг ижодий ишлари нафакат тенгдошлари, балки санъатга ошно ҳар бир ки-



9-синф ўкувчisi Санжар АБДУНАЗАРОВ Чизган сурат.

шини ҳам ҳайратлантиради.

Она ва бола саломатлигига бағишиланган расмларда бегубор болалик, меҳра ташна она тимсоли ёрқин рангларда ифодаланган. Айникиса, Наргиза Очилбоеванинг «Кунгабоқар ва күёш» асарида она ва бола образи ўзига хос рамзи майно касб этган.

Бу истеъдолли ёшлар нафакат Ўзбекистонда, балки хорижий кўргазмаларда ҳам ўз асарлари билан қатнашиб юқори эътирофларга сазовор бўлишмоқда.

Албатта, эришилаётган муваффақиятлар замирида тинимиз изланиш, меҳнат мушкассам. Ёшларимизни



9-синф ўкувчisi Яҳё АБДУКАРИМОВ чизган сурат.

бундай ютуқлар янги зафарларга унданоқда.

Наврӯз ШУКУРОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
мусиқа ва санъат академик
лицеи директори
ўринбосари

реклама • эълон • реклама

**SEN O'QISHGA
KIRISHGA TAYYORMISAN?**

**MENING SHAHRIM.
TA'LIM –
MENING REPETITORIM!**

10 ta fan bo'yicha
TESTLAR
o'zbek va rus tillarida

Guvochnoma №005067-03

O'
T
I

S
(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz
H
SHARING
meAHRIM

Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston

Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinosari, "Учитель Узбекистана"), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150, Г-326
Tiragi 66235.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririya ruxsat bilan amalga osdirishi shart. Tahririya kelgan qo'yozmalar tagriz qilinmaydi va mualifiga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririya javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib – 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi – 233-53-14, fan, oly va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi – 233-56-45, adapbiyot, madaniyat, kasaba uyushmalarini yangiliklari bo'limi – 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi – 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi – 233-76-40, reklama va marketing bo'limi – 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Xayrulla ABDURAHMONOV.
Navbatchi:

Bobomurod XUDOVBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon' ko'chasi, 41-uy

ЎзА якупин – 21.10
Topshirildi – 21.30